

**Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан
хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 944-ҳадис**

944 - وَعَنْ أُمِّ عَطِيَّةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: هُمَيْنَا عَنْ اتِّبَاعِ الْجَنَائِزِ، وَلَمْ يُعَزَمْ عَلَيْنَا. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ
[خ 1278، م 938/35].

«وَمَعْنَاهُ» وَلَمْ يُشَدَّدْ فِي النَّهْيِ كَمَا يُشَدَّدُ فِي الْمُحَرَّمَاتِ.

944. Умму Атиййа розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«(Биз аёллар) жанозага қатнашишдан қайтарилдик. Аммо бу бизларга қатъий (ман) қилинмади».

Бунинг маъноси қуйидагича: Яъни ҳаром нарсалардаги каби қаттиқ ман этилмади.

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Муслима аёлларнинг мастураликларига футур етмаслиги учун ҳамда аёл киши нозик қалб ва ўта куюнчак бўлгани учун қийналиб қолиши эътиборидан жанозага эргашишдан наҳйи қилинган. Бунинг устига аёл кишининг ўзига хос ҳолатлари эътибори ҳам бор.

Манба: hadis.islom.uz



